



Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№18
31 июль

conferences.uz



**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
4-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
18-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-4**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
18-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-4**

ТОШКЕНТ-2020

СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ
ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

1. Mirsamadova Sevara SERQUYOSH DIYORDAN KUNCHIQAR O'LKA SARI.....	7
2. Давронова Феруза Рахмоновна ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ОИЛАДАГИ ЗЎРОВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	9
3. Sheraliyev Nurali Sherali o'g'li ANALYSIS OF ETHNIC CONFLICTS IN CENTRAL ASIAN SECURITY (ON THE EXAMPLE OF UZBEKISTAN AND TAJIKISTAN)	13
4. Бозорова Ўлмасхон Шамсидиновна МУСТАҲКАМ ОИЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИ	15
5. Қаюмова Азиза Тошмурадовна, Жалолов Отабек Ойбек ўғли ИБН ХАЛДУН ТАЪЛИМОТИДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ВА ШАХС МАСАЛАСИ.....	17
6. Фарфиев Бахрамджан Атхамджанович ДИН ИНСТИТУТИ ВА ДИНИЙ ЭЪТИҚОД МАСАЛАСИ ДИН СОЦИОЛОГИЯСИНИНГ МУҲИМ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.....	19
7. Ibodova Sadoqat Karomiddinovna BILATERAL ECONOMIC COOPERATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE RUSSIAN FEDERATION AT THE CURRENT STAGE.....	23
8. Ш.Х.Имамова, Д.М.Мирсагатова, У.М.Халикова ЎЗБЕКИСТОН ОИЛАСИ ЎЗИНИ ИЗОЛЯЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА: МУНОСАБАТЛАР ВА МАСЪУЛИЯТЛАР ДОИРАСИ.....	25
9. Эрийгитова Лобар Қодиржоновна ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ	29
10. Ахмедова Дилдора Олимжоновна ЎЗБЕКИСТОНДА НОРАСМИЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ	31
11. Баймуратова Назира Янгибаевна ОИЛА СОҒЛОМ – ЖАМИЯТ СОҒЛОМ.....	33
12. Махмудова Феруза Нематовна МУЗОКАРА ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ.....	35
13. Шодиев ФаррухРауфович ШАХС МАЪНАВИЯТИ ИБТИДОСИ	38
14. Эрийгитова Лобар Қодиржоновна ЁШ ОИЛАЛАРДА ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ	40



ИБН ХАЛДУН ТАЪЛИМОТИДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ВА ШАҲС МАСАЛАСИ

Қаюмова Азиза Тошмурадовна
Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси
Телефон: +998 (93) 681-36-84
Жалолов Отабек Ойбек ўғли
Бухоро давлат университети стажер-тадқиқотчиси
Телефон: +998 (97) 306-44-41
e-mail: jalolovo1993@gmail.com

Аннотация: илмий мақолада шарқ мутафаккирларидан араб тарихчиси, буюк жамиятшунос олим Абу Зайд Муҳаммад Ибн Халдуннинг жамиятшунослик фанига қўшган ҳиссаси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: умрон, таваххуш, бидава, хидара, ижтимоийлашув,

Абу Зайд Абдурахмон Ибн Халдун Шарқ оламида ёрқин из қолдирган улуғ мутафаккирлардан ҳисобланади. Ибн Халдун инсоният ижтимоий фикри тарихида жамият, унинг ички ривожланиш қонунлари ва тараққиёт анъаналари хусусида яхлит назарий концепцияни асослаб берди.

Ибн Халдун ўз қарашларида одамларнинг жамоалашув жараёнини “умрон” атамаси билан боғлайди, унингча, “умрон” – жамиятнинг ижтимоий тараққиёт жараёни мазмунини ўзида намоён этувчи кучдир.

Шунингдек, донишманд жамиятнинг уч ҳолатини ўзининг тараққиёт концепциясида таснифлаб ўтади. Булар: жамиятнинг таваххуш яъни ёввойилик, бидава (қишлоқ ҳаёти), хидара (шаҳар) турмуш тарзидир. Бу билан Ибн Халдун ўз замонасида тарихий антропологик хусусиятга эга бўлган қишлоқ ва шаҳар социологиясига асос солди.

Ибн Халдун инсон реал ҳаётда реал воқеликнинг иштирокчиси бўлишини истади, уни мавҳум ва кўз илғамас тасаввурлардан узоқлаштиришга ҳаракат қилади. Унингча инсон ижтимоий ҳаёт жараёнларида фаол иштирок этиши ва шу орқали ўз яратувчанлик ва бунёдкорлик имкониятларини рўёбга чиқариши зарур, шундагина у ижтимоий қадриятга, мўжизакор хилқатга айланади. Жамиятнинг уч ҳолатини таснифлаб берар экан, ҳар бир ҳолатнинг ўзаро фарқини аниқ кўрсатиб бериш орқали шундай ижтимоий асосланган ҳулосага келади: унингча, инсонларнинг ҳаёт тарзи улар ишлаб чиқарадиган неъматларнинг қандай усулда яратилишига боғлиқ. Улар фақат ўзаро ёрдам, ижтимоий шерикчилик туфайлигина бу воситаларни яратадилар. Кишилар нимага ҳаётий эҳтиёжни ўйласалар, айнан шу нарсани ўз меҳнатлари билан ишлаб чиқарадилар, маданият, санъат, фан, ҳунармандчилик ва қолган барча нарсалар “ижтимоийлашув”га эҳтиёж табиатидан келиб чиқади. Бунинг исботи сифатида Ибн Халдун шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутни кўрсатишга ҳаракат қилган. Содда ибтидоий ва бидава (қишлоқ ҳаёти) даврларида одамлар чорвачилик, деҳқончилик ва термачилик, яъни мева, дон ва бошқа маҳсулотларни етиштириш, йиғиб олиш билан шуғулланганлар, хидара даврида давлатчилик юзага келиб, одамлар ҳунармандчилик, савдосотик, кўркам, бақувват иморатлар қуриш, бадиий адабиёт, илм-фанни юксалтиришга ҳаракат қилишган. Айнан цивилизация, яъни хидара даврида одамлар фойда келтирадиган, яъни заруриятдан холи бўлган нарсалар билан шуғулланиб, иккиламчи эҳтиёжларни таъминлаганлар, натижада меҳнат тақсимоти ва самарадорлиги туфайли заруриятдан ортиқча маблағлар, захираар вужудга келган. Бу эса ортиқча маҳсулотларни бошқа ҳудудларга етказиш эҳтиёжини юзага келтириб, савдо коммуникация тизимини шаклланишига, шунинг билан бирга савдо ва коммуникация эса бозорларни эгаллаш, давлатчиликни кучайтириш эҳтиёжини кун тартибига чиқарган. Цивилизацияга ўтиш жамиятнинг фақат ички эволюцияси оқибатида амалга ошмайди, балки физиологик заруриятдан юқори даражада иқтисодий, ижтимоий, интеллектуал эҳтиёжлар эвазига вужудга келиши мумкин.

Билгинки, - деб ёзади Ибн Халдун ўзининг “Муқаддима” асарида давлатнинг кучи ва қудрати, аҳолининг сони, бойлик ва фаровонликка боғлиқдир. Давлат ва ҳокимият фаол ижтимоий бирдамлик, шерикчилик ва муносабатлар ҳосиласидир. Аҳолининг бойиш манбаини ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик, деҳқончилик, бозор ва савдо муносабатлари таш-



кил этади.

Халқнинг тўқ, фаровон яшаши унинг ўз кучи ва меҳнатга бўлган муносабатида кўринади дейди, мутафаккир давлат халқи учун барча эҳтиёжларни яратади ва бу эҳтиёжлардан баҳраманд бўлган халқ эса давлатни бойиши, юксалиши йўлида тинмай меҳнат қилиши лозим. Ибн Халдуннинг фикрича, фуқароларнинг бойлиги давлатнинг бойлигига бево-сита боғлиқдир, давлатнинг бойлиги эса фуқароларнинг самарали ва малакали меҳнат қилишига боғлиқ бўлади.

Дарҳақиқат, бундай пурмаъно фикрларнинг исботи сифатида бугунги ҳаётимиз турмуш тарзимизни мисол қилиб келтирадиган бўлсак, мухтарам Президентимизнинг олиб бора-ётган саъйи-ҳаракатлари, йўл-йўриқ ва кўрсатмалари бунинг ёрқин исботидир. Мухтарам Президентимиз ўзларининг “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” деб номланган китобларида “Инсон манфаатларини таъминлаш учун энг аввало – деб ёзадилар, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду-ташвишлари, орзу ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак”.

Шунингдек, Президентимиз ўзларининг “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” деб номланган китобларида ҳам бу масалага чуқур эътибор қаратадилар. “Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ, дейдилар президентимиз. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади. Шу маънода, - дейдилар мухтарам президентимиз буюк Алишер Навоий бобомизнинг “Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами” деган сатрларида қанчалик чуқур ҳаётий ҳикмат, фалсафа борлигини айтадилар. Яъни бу дунёда инсонларнинг дарду-ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир, халқнинг ғамидан узоқ бўлган инсонни одам қаторига қўшиб бўлмайди, деб таъкидалайдилар улуғ бобомиз.

Бу ўлмас сатрлар бизнинг бугунги ҳаётимиз билан бизнинг орзу интилиш ва амалий ҳаракатларимиз билан нақадар ҳамоҳанг экани одамни ҳайратга солади,” – дея фикр билдирадилар президентимиз.

Дарҳақиқат, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, “Инсон коинот гули” унинг босган ҳар қадами эзгулик, камолот, инсонпарварликнинг ёрқин ифодаси бўлмоғи керак. Буюк мутафаккир Ибн Халдун ҳам ўз қарашларида айнан коинот гули ҳисобланган инсонни улуғлаб, унинг тирик мавжудотлар ичида бебаҳо хилқат эканлигини исботлаб беришга ҳаракат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабр /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент : “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. -56 б.

3. Иванов Н. А. «Китаб аль Ибар» Ибн Халдуна как источник по истории стран Северной Африки в XIV веке»-«Арабский сборник». –М., 1959. с 3-45

4. Бациева С. М. Историко-социологический трактат Ибн Халдуна «Мукаддима». М., 1965. -117 с.

5. Игнатенко А.А. “Ибн Халдун”. –М.: “Мысль”, 1980. с 141-142.

TADQIQOT.UZ
ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

(4-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.07.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000